



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «28» февраль

№ ПК-90

“Ўзбекистон – Туркманистон” эркин савдо зонасини ташкил этиш түғрисида

Ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий харидорлар ва маҳаллий экспортчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

Хоразм вилояти Шовот туманидаги иловага мувофиқ суғориладиган **3,1 гектар** ер участкасини қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш;

ушбу 3,1 гектар ер участкасида товарларни сақлаш, саралаш, сотиш, транспорт ва бошқа замонавий хизматлар инфратузилмасини ташкил этиш учун “Ўзбекистон – Туркманистон” эркин савдо зонасини (кейинги ўринларда – савдо зонаси) ташкил қилиш;

савдо зонасининг фаолият кўрсатиш муддатини кейинчалик узайтириш имкони билан **30 йил** этиб белгилаш түғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Савдо зонаси фаолиятини бошқариш вазифаси “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасига (кейинги ўринларда – Дирекция) юклансин.

Савдо зонасини ташкил қилиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов бошчилигига штаб ташкил этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) савдо зонасида:

замонавий технологиялар асосида маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва саралаш хизматлари кўрсатилади;

“ягона дарча” ва интерактив механизмлар асосида божхона, солик, сертификатлаш, фитосанитария, ветеринария, транспорт хизматлари мавжуд инфратузилма ва имкониятларини ўрганганд ҳолда, банк ва валюта айирбошлаш, мобил алоқа ҳамда мижозлар учун тиббий, меҳмонхона, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматлар йўлга қўйилади;

фақат Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдоси ташкил қилинади;

чакана савдо операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган “эркин божхона зонаси” божхона режими амал қиласи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳаракатланиш ҳужжатлари асосида алоҳида назорат ўтказиш пункти орқали ўтади ва уларнинг ортга қайтишига фақат кирган назорат ўтказиш пункти орқали рухсат этилади;

шахслар, транспорт воситалари ва юклар эркин ҳаракатланади;

б) савдо зонасига:

маҳсулотлар божхона тўловлари тўланмасдан ва иқтисодий сиёsat чоралари қўлланмасдан олиб кирилади;

маҳсулотлар савдо зонаси иштирокчилари томонидан “эркин божхона зонаси” божхона режимига расмийлаштириш орқали жойлаштирилади;

маҳсулотлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ олиб кирилади ёки олиб чиқилади;

Туркманистон ва ушбу давлат орқали ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари учун маҳсус назорат ўтказиш пункти орқали визасиз тартибда, шахсни тасдиқловчи ҳужжат орқали кириш, 15 кун мобайнида ҳудудда бўлиш ва кирган назорат пункти орқали чиқиш имконияти йўлга қўйилади;

в) Дирекция Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда савдо зонасидаги бино ва иншоотларни тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн аукцион савдолари асосида ижарага беради.

4. Белгилансинки, ушбу қарорга асосан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилиши билан боғлиқ қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ундирилмайди.

5. Хоразм вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида **2024 йил 1 июлга қадар тегишлича ушбу қарор билан ер фонди тоифаси ўзгартирилаётган сұғориладиган ер участкалари майдонининг **беш баравари миқдорида янги ерлар ўзлаштирилишини ва сұғориладиган ерлар** тоифасига ўтказилишини таъминласин.**

6. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги савдо зонасининг бош режаси ва унда жойлаштириладиган обьектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиши билан боғлиқ барча харажатларни молиялаштириш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан Дирекцияга **3 йиллик имтиёзли давр билан **10 йил муддатга** зарур маблағларни ажратсин.**

Бунда, Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағлар савдо зонасидаги обьектларни ижарага бериш, сотиш ҳамда Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтарилади.

7. Автомобиль йўллари қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзсувтаъминот” АЖ Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмаси билан таъминланиши лозим бўлган обьектларнинг тасдиқланган рўйхати асосида **2024 йил 1 майга қадар савдо зонаси ҳудудида ишга тушириладиган обьектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда келишиш ишларини якунласин.**

8. Дирекция ва Хоразм вилояти ҳокимлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда савдо зонасининг бош режаси ҳамда **икки ой муддатда** савдо зонасида жойлаштириладиган обьектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин.** Бунда:

Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридан “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси савдо зонасининг бош режасини ҳамда қуриладиган бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қуриш бўйича буюртмачи этиб белгилансин;

бош режа ва қуриладиган бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ташкилоти ҳамда пудрат ташкилоти белгиланган тартибда танлов (тендер) савдоларига асосан аниқлансан.

9. Хоразм вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖ билан биргаликда **бир ой муддатда** савдо зonasининг 2024–2025 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмаси билан таъминланиши лозим бўлган обьектларининг манзилли дастурларини савдо зonasининг тасдиқланган бош режасига асосан шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

савдо зonasининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги “Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4929-сон қарорига;

савдо зonasининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифасини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Maxsus иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5101-сон қарорига мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

10. Миллий гвардия Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Божхона қўмитаси билан биргаликда **бир ой муддатда** савдо зonasи ҳудудини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда чегара ва божхона расмийлаштирувани амалга ошириш учун талаб этиладиган шахсий таркиб штат бирлигини белгилаш, уни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Ж.Р. Рахимов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 28 февралдаги ПҚ-90 -сон қарорига
илова

**Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан
саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига
ўтказиладиган ер майдонлари
РЎЙХАТИ**

| Ҳудуд номи | Ердан фойдаланувчи номи | Контур рақами | Жами ер майдони, га | Шундан | | Тупроқ бонитет бали |
|----------------------------|---------------------------------------|---------------|---------------------|--------------------------|-------------------|---------------------|
| | | | | сүғориладиган ерлар (га) | бошқа ерлар, (га) | |
| "Маҳтумқули" МФЙ ҳудуди | Туман ҳокимлиги захирасидаги ерлар | 192қ | 0,2 | 0,2 | | 61,6 |
| | | 193қ | 1,2 | 0,56 | 0,64 | 61,6 |
| | | 194қ | 1,7 | 1,7 | | 61,6 |
| Жами | | | 3,1 | 2,46 | 0,64 | |

